Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 19 (138) 1992 йил 25 январь, шанба

Баҳоси 35 тийин.

...ОЛДИМИЗДА ЖИДДИЙ СИНОВЛАР ТУРИБДИ, ҲАЕТИМИЗ МУАЙЯН ДАВРДА БИР МУНЧА ОҒИР КЕЧАДИ. ДАРДИМИЗ ХАЛҚ ДАРДИ, МАҚСАДИМИЗ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЛГАЧ — БИРГА-БИРГА ҚАДАМ ТАШЛАСАК ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК, БАРАКА ЯНАДА МЎЛРОҚ БЎЛАР, ЭЗГУ РЕЖАЛАРГА ТЕЗРОҚ ЕТАР ЭДИК.

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг Мурожаатидан).

ТАЛАБА—ЎЗ БОЛАМИЗ

ЕКИ ҚУВАДАГИ «ГУЛИСТОН» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИГАН ТАШАББУСИ ҲАҚИДА

Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалар республика жамоатчилигини чуқур изтиробга солди. Албатта, шаҳарчада рўй берган воқеаларнинг ҳақиқий сабабчилари, бевосита илҳомчилари топилади. Улар қилмишларига яраша жазо оладилар. Аммо бугунги кунда талаба йигит-қизларимизнинг ижтимоий-маиший аҳволларини яхшилаш чораларини кўриш даркор. Нарх-наволар эркинлиги шароитида бу осон гап эмас. Яхши ният билан боласини Тошкент, Самарқанд ёки бошқа шаҳарларга ўқишга юборган ота-оналар шу кунларда жиддий ўйга толдилар. Олисда ўқиётган фарзандининг озиқ-овқати, кийим-кечагига етадиган харажатни топиб бериш ҳам муаммога айланяпти. Айниқса кўп болали, турмуши ночор оилаларнинг узоқларда ўқиётган фарзандлари хусусида кенг жамоатчилик қайғурмоғи зарур. Яқинда Қува районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида худди шу масала кўриб чиқилди. Хўжалик бошқаруви касаба уюшмаси ташкилоти билан ҳамкорликда шу қишлоқдан чиқиб ўзга шаҳарларда таълим олаётган талаба ёшларга ёрдам кўрсатиш юзасидан махсус қарор қабул қилди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг бутун халққа, сиёсий партия ва ҳаракатларга Мурожаати бизни амалий ишларга чорлади.

— Ҳозирги пайтда 200 дан ошиқ ёшларимиз собиқ Иттифоқ ва республикамизнинг турли олийгоҳ ва ўрта, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олмоқдалар, — дейди жамоа хўжалиги раиси, тажрибали пахтакор Мусажон Шербўтаев. — Қишлоғимиз талабаларига сезиларли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгиладик. **Масалан, вилоятдан олисдаги шаҳарларда ўқиётган талабаларга бир йўла 300 сўмдан, водий шаҳарларида ўқиётган талабаларга 200 сўмдан, райондаги махсус ҳунар-техника билим юртларида касб ўрганаётган болаларга эса 100 сўмдан ёрдам пул берилади. Бундан ташқари доимий бериладиган маблағ ҳажмини ҳам ҳисоблаб чиқдик. Бир йўла ёрдам пули беришга хўжалик хазинасидан 50—60 минг сўм атрофида сарфлаймиз. Лекин бу хамир учидан патир, холос. Ўз талабаларимизга ёрдам учун хўжаликда махсус фонд ташкил этяпмиз. Хўжалик шу фонд ҳисобига талабаларга доимий равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб боради.**

Бундан ташқари жамоа хўжалиги ҳузурида турли жойларда ўқиётган қишлоғимиз ёшларининг вакилларидан иборат талабалар кенгаши тузилди. Ҳамқишлоқ талабалар кенгаши анчагина ҳуқуқларга эга. Талаба қаерда ўқиётган бўлишидан қатъи назар ёрдамга муҳтож бўлса, шу кенгашга хат орқали ёки шахсан мурожаат қилади. Кенгаш унинг мурожаатини кўриб чиқиб, жамоа хўжалигининг ёрдами лозим бўлса, хўжалик бошқарувига чиқаради. Бошқарув, албатта, ўз ўғли ёки қизининг ҳақли илтимосини ерда қолдирмайди. Қарорда бундан ташқари шуни кўрсатдикки, олийгоҳ ва техникумларда аъло баҳолар билан ўқиётган, ўз ҳулқи билан намуна кўрсатаётган йигит-қизларимизнинг яшаш ва ўқиш харажатларини жамоа хўжалиги тўлиқ ўз зиммасига олади.

«Гулистон» жамоа хўжалиги Фарғона давлат дорилфунунини ҳам оталиққа олган. Хўжалик дорилфунун учун 20 гектар бўлиқ экин майдони ажратиб берди.

— Биз бу ерларда ўз кучимиз билан боғ-роғлар, экинзорлар, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этамиз, — дейди дорилфунун ректори М. Қорабоев. — Натижада дорилфунуннинг овқатланиш корхоналари учун зарур бўлган сабзавот маҳсулотлари, мева-чева, гўшт, сутнинг бир қисми ўзимиздан чиқадиган бўлади. Бошқа хўжаликлар ҳам ўз фарзандлари учун мана шундай ҳайрли ишларга қўл уришса, чакки бўлмасди. Биз нарх-наволар ошишидан анча илгари дорилфунунга қарашли ошхона ва кафеларда таомлар нархини ташқарига нисбатан 50 фоизга камайтирган эдик. Бундан ташқари талабалар орасида тарбиявий ишлар олиб боришни яхшилаш мақсадида ректорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, деканатлар ва талабалар гуруҳларида эса маош олиб ишлайдиган кураторлар лавозимларини жорий этдик.

«Гулистон» жамоа хўжалигининг бошлаган ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ. Қанийди, республикамиздаги бошқа давлат ва жамоа хўжаликлари, йирик саноат корхоналари мана шу ташаббусга қўшилса. Ахир, талаба—халқ фарзанди. Келажагини ўйлайдиган одам шу хусусда ўйлаши керак.

А. ҲУСАНОВ,
«Олтин водий» рўзномасининг муҳбири.
А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОНАЛАР, СИРА ЙИҒЛАМАНГ

Бир қўли билан бешикни, иккинчи қўлида дунёни тебратаётган оналарга жуда қийин бўлди. Талабалар шаҳарчасида рўй берган тўқнашувда ҳалок бўлган икки талабанинг оналарига, айниқса мушкул бўлди. Ахир тўқ-қиз ой нури дийдасини вужудида кўтариб, балоғатга етгунча бағрида авайлаб ўстирган, болам ўқисин, болам улғайсин, халқига фойдали инсон бўлиб камолга етсин, деган орзулар билан яшаётган бу онада не гуноҳ? Бу навқирон, норғул йигитнинг ўлими бир онанинг эмас, балки ҳамма оналарни мотамсаро қилди.

«Бир йигит йиқилса она йиқилади, ота йиқилади, оила мотамга ботади, қишлоқ йиғлайди. Ун йигит йиқилса-чи? Юз йигит йиқилса-чи? Ахир баъзи минтақаларда шундай бўлмоқда, миллий низолар туфайли келинчаклар бева қолмоқдалар, оналар болам деб фарёд чекяптилар. Йўқ! Бунга йўл қўйиш мумкин эмас ва қўймаймиз ҳам», деган эди яқиндагина Президентимиз.

Бу гапларнинг маъноси шуки, мотамнинг, азанинг оғирлиги аввало аёллар, оналар қалбида жароҳат қолдиради. Мотамсаро кунларимизнинг юзини тескари қилсин. Ўқишга кетган, уйда қолган фарзандларимизга насиҳатлар қилиб, моддий ва маънавий суянчиқ бўлиб, ўзимиз учун ҳам, ватанимиз учун ҳам уларни сақлай билайлик. Қийинчиликлардан чиқиш, фаровон ҳаётга эришиш учун ёшларга ҳар вақт суянамиз. Улар чанқоқлик билан билим олиб, тезда оёққа туриб, юқори малакали мутахассис бўлиб етишиб, халққа, ватанга фидокорона хизмат қилмоқлари керак. Малакали мутахассислар диёримизга сув билан ҳаводек зарур. Талабалар билимини ошириш, тарбияси, маънавий дунёсини кўтариш борасида катта тадбирлар кўрилаётган, амалий ишлар қилинаётган бир даврда яшаётганимизни ҳам унутмайлик. Ҳар хил ифво, бўхтон гапларга учмаслик керак. Ҳар бир алданиш бир жароҳат.

Азиз талабалар! Сиз ўзингизнинг асосий вазифангизни унутмаслигингиз лозим. Олдингизда катта ишлар турибди. Буларни бажариш учун чуқур билим керак. Ахир, сизлар бизларнинг нажоткорларимизсиз. Бунг ҳеч вақт унутманг! Иқтисодий қийинчиликларни, муаммоларни фақат биргаликда, биз домлаларингиз билан маслаҳатлашиб ечинг. Уруш-жанжал ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Кичкина бир оилада уруш чиқса шу уйдан барака кўтарилади. Юртимиз тинчини бузмай, уни ризқ-рўзини, баракасини сақлайлик. Ҳозирги кунда талабаларимиз айниқса биз ўқитувчиларнинг меҳрига, маслаҳатига, муҳтождирлар. Шундай экан, уларга янада яқинроқ, ўз болаларимизга қандай меҳр кўзи билан қарасак, уларга ҳам шундай ғамхўрлик билан билим олишларига, етук инсон бўлиб етишишларига куч-қувватимизни бағишлайлик. Ақлли талабалар, юқори малакали мутахассислар сиз билан бизнинг ҳосилимиз, меваларимиздир.

Бугунги ташвишли воқеалар жараёни биз ўқитувчилар жамоасини ниҳоятда ҳушёр торттириши даркор. Дарсдан кейинги талабалар билан олиб борилдиган тарбиявий ишларда оқсаб қолаётганимизни тан олайлик. Ҳар қайсимиз маълум бир фандан билим берувчигина эмас, талаба учун ҳаёт устози, муаллими эканимизни ҳам унутмайлик. Мен хизмат қилаётган институт талабаларининг ярмидан кўпи Талабалар шаҳарчаси ётоқхоналарида яшайдилар. Шундай экан, бизнинг институт талабалари, ўқитувчилар коллективи рўй берган воқеадан четда қололмаймиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, талабаларимизнинг аксарияти қизлар. Бу қизларимиз қанчалик тадбиркор, осойишталикни, тинчликни сақлашга қанчалик бош-қош бўлсалар, шунчалик соз. Негаки, уруш-жанжаллар, аломонлар ташвиши биринчи бўлиб қизларимизнинг руҳини синдиради, жисмини жароҳатлайди.

Жумҳурият олийгоҳларининг ҳар қайсисида хотин-қизлар кенгашлари ишлаб турибди. Бу кенгашларда аёлларимиз жамоатчилик асосида фидокорона иш олиб бораяптилар. Талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеалар шуни кўрсатдики, ётоқхоналардаги таълим тарбия ишларимиз талаблар даражасида эмас экан. Шунинг учун ҳам пойтахт хотин-қизлар қўмитаси пленуми муҳим бир қарор қабул қилди. Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда талабалар шаҳарчасида олийгоҳлараро хотин-қизлар кенгашларининг бирлашган уюшмасини тузишга эришдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, хотин-қизлар кенгашлари ишлари асосан жамоатчилик асосида олиб борилади. Аслида тарбия билан, хусусан фарзандларимиз тарбияси билан шуғулланишни, ишдан кейинги бўш вақтга қолдирилмай, оналарнинг асосий иши деб ҳисобламоғи даркор.

Тили, дили, мақсадлари бир бўлган аёллардан умидимиз катта. Ўзбекистонимизнинг тинч, одамларимизни хотиржамликда яшашида яна ва яна биз аёлларга, оналарга суянамиз.

Санъат АЗИЗОВА,
Тошкент педиатрия медицина институти профессори, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши талабаларга ижтимоий ёрдам жамғармасини таъсис этди. Унга 1 миллион сўм пул ажратилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ёшлар уюшмаси ва республика Меҳнат вазирлиги жамғарманинг ҳаммуассислари бўлишга розилик билдиришди.

— Жамғармамизнинг вазифаси, — дейди Касаба уюшмалари федерацияси республика кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов, — талабаларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларни тузиш ва рўёбга чиқариш, талабаларнинг ишбилармонлик ташаббусини кучайтириш, талабаларнинг муаммоларига жамоатчилик фикрини қаратишдан иборатдир.

(ЎзТАГ).

ҒАМҲЎРЛИК ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини амалга ошириш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи талабаларга ижтимоий жиҳатдан кўмак бериш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, қобилиятли ва фавқулодда иқтидорга эга ёшларни рағбатлантириш, уларнинг ахлоқий ва маданий даражасини ҳар жиҳатдан юксалтириш мақсадида «Ғамхўрлик» хайрия жамғармасини ташкил этади. Бу жамғарма маблағи айниқса қишлоқ жойларидан ўқишга келган ёшларга сарфланади.

Мазкур жамғармага олий билимгоҳимиз жамоаси аъзолари даромадидан 500 минг сўмни ўтказади. ва жумҳуриятимизнинг барча фуқаролари ҳамда ташкилотларига мурожаат этиб мазкур жамғармага ўз маблағларини ўтказиб муруввat кўрсатишларини сўрайди.

Бизнинг манзилимиз: 700000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.

Хайрия жамғармасининг Агросаноат банки оператив бошқармаси қошидаги ҳисоб рақами 061120443, МФО — 172682403.

ЭЛГА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

Самарқанд область Оқдарё районидаги «Лола» маиший хизмат уйи аҳолига хизмат қилиш турини яна кўпайтирди ва бу билан яна одамларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш цехи ишга туширилди. Цехда хорижий мамлакатлардан келтирилган замонавий аппаратлар юксак унум билан ишлатиляпти. Бунда хизмат уйининг жонкуярлари Барот Акбаров ва Зилола Ҳамидовалар жонбозлик кўрсатишди.

Суратда: Зилола Ҳамидова иш устида.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ҲОКИМЛАР САЙЛАНДИ

• ХОРАЗМ

Урганчда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ўумумхалқ сайлови якунларини, мустақил республикани ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ҳозир республикамиз оғир даврни бошидан кечираётгани таъкидланди. Ана шу мушкул даврда жамиятдаги барча соғлом кучларнинг бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариши ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Саросимага берилмаслик, ҳушёрликни йўқотмаслик керак. Эндиликда ҳамма сабр-тоқатли бўлиши, ишлаб чиқаришда, барча шаҳар ва қишлоқларда осойишталикка ҳамда тартибга риоя этилиши лозим.

Халқ хўжалигига раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усули бутун сиёсий-иқтисодий тизим билан биргаликда мозийга чекинмоқда. Эски усуллар энди ярамайди, чинакам демократия ва ошкоралик шаҳдам қадамлар билан ўзига йўл очиб бораяпти.

Сессияда собиқ Иттифоқнинг вужудга келган раҳбарлик тузилмаларини ўзгартирадиган вақт келди, деб таъкидланди. Масалан, республика вилоятларида вилоят Кенгаши билан вилоят ижроия комитети бир-бирининг ишини қилаётгани кўринib қолди.

Депутатлар ҳозирги босқичда вилоятлардаги раҳбарликнинг Президент таклиф этган янги тузилмасини маъқулладилар. Унда бошқарувнинг барча ришталарини, куч ва маблағларини жаҳондаги ривожланган мамлакатларда қабул қилинганидек битта — ишончли қўлда уйғунлаштириш назарда тутилади. Шу сабабли ҳам вилоят ҳокими лавозими жорий этилмоқда.

И. А. Каримовнинг тавсиясига биноан Хоразм вилоят «Сельхозснабремонт» бирлашмасининг раиси Маркс Жуманиёзов Хоразм вилоятининг ҳокими этиб сайланди.

Маркс Жуманиёзовни Хоразмда яхши танийдилар. У 1938 йилда туғилган, маълумотига кўра муҳандис-механиқдир. «Хоразмсовхозводстрой» трестида бошқарувчи лавозимида ишлаган вақтида қумлоқ ерларни шоликорлик совхозлари учун ўзлаштиришда кўп ишлар қилган. 1975 йилдан 1990 йилгача партия ишида бўлган. Хонқа, Урганч ва Янгибозор районлари партия ташкилотини бошқарган. 1990 йилнинг апрелидан Хоразм вилоят «Сельхозснабремонт» бирлашмасининг раиси бўлиб ишлади.

Сессияда нархларни эркинлаштиришга алоқадор масалалар ҳам муҳокама қилинди, Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеаларга қатъий баҳо берилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси давлат назорати комитетининг раиси М. М. Миркосимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

• ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

— Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар ва нохуш воқеалар тўғрисида фикрлашиш мақсадида вилоят халқ нойблари билан учрашишни лозим топдим, — деди Президент. — Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида содир бўлган фожиа халқимизни ҳаяжонга солмоқда. Узоқ-яқиндан бунинг сабабчилари ким, нега шундай воқеалар рўй берди, деган саволлар тушяпти. Республикамизда мустақиллик сари дадил қадам ташланганлиги, кейинги пайтда ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ибратли ишлар Ўзбекистондаги ўзгаришларни кўра олмайдиган ички ва ташқи қора кучларга сингмаётир.

Президент ўз маърузасида республика, жумладан, Қашқадарё вилоятидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор сақлаш вазифаларига атрофлича тўхталди. Бу борадаги нуқсонларни тилга олди. Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ эркин нарх-наволарга ўтиш жараёнида вужудга келган мураккаб ҳолатни аҳолига тушунтириш, аҳволни яхшилаш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида батафсил гапирди.

— Мўл-кўлчиликни яратишнинг муҳим шарти — меҳнатдир, — деди Президент. — Меҳнат қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширади.

Деҳқон якка хўжаликларини кенг ривожлантириш, жумладан, озиқ-овқат экинлари майдонини кенгайтириш, шу йўлдаги қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш ҳозирги кунинг биринчи даражали вазифасидир. Инсон қийинчиликларга чидайди. Лекин ижтимоий адолатсизликка чидай олмайди. Шунга кўра савдо шахобчаларида тартиб ўрнатиш, чайқовчиликка қарши курашиш халқ нойблари ва эл-юрт оқсоқолларининг асосий вазифасидир.

Сессияда сўзга чиққан вилоят фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов, «Қарши строй» ихтисослашган қурилиш бошқармаси бошлиғи С. Чеғибоев ва Яккабоғ районидаги «Яккабоғ» богдорчилик хўжалиги бригада бошлиғи С. Раҳимовалар Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеалар сабабчиларини қаттиқ қоралаган ҳолда республика раҳбарияти амалга ошираётган тадбирлар тўғри эканлигини таъкидладилар.

Сессияда вилоят ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Президент тавсиясига биноан илгари халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси бўлиб ишлаган Т. П. Хидиров Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов қатнашди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Фарғонада вилоят хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Тўпланган кишилар Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеаларнинг, шунингдек, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш йўлларини муҳокама этдилар. Мазкур масалалар юзасидан вилоят Кенгаши ижроия комитетининг раиси Н. Х. Раҳимов ахборот берди.

Йиғилиш қатнашчилари тартибсизликларни келтириб чиқарган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладилар, асосий айбдорларни топишни ва уларни суд жавобгарлигига тортишни талаб қилдилар. Фаоллар республика Олий Кенгаши Раёсатининг халққа Мурожаатини, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ва республика ҳукумати ўтказаётган сиёсатни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш, эркин нархларнинг жорий этилиши муносабати билан аҳоли барча табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар белгиланди. Осойишталикни сақлашга ва интизомга риоя этишга, бунёдкорлик руҳидаги ўзгаришларни амалий ривожлантиришга чақирувчи Мурожаатнома қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов сўзга чиқди.

* * *

Самарқандда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда муассасалар ва ташкилотларнинг, халқ депутатлари шаҳар, район Кенгашларининг ҳамда улар ижроия комитетларининг, Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан «Эрк» демократик партияси ташкилотларининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ёшлар уюшмаси ва талабалар кенгашларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Тошкент шаҳар фаоллари билан учрашувда сўзлаган нутқи ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия комитети раиси Т. Р. Қиличовнинг маърузаси тингланди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва ҳукуматига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари П. Қ. Нўъмонов иштирок этди.

Самарқанддаги бир қанча олий ўқув юртларида ҳам шундай йиғилишлар бўлди.

(ЎзТАГ).

МОНГОЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Монголия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Тошкентга келди. Унга ҳукуматнинг бош маслаҳатчиси, МХР Вазирлар Кенгашининг собиқ раиси Думаагийн Содном бошчилик қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов 24 январь куни делегация аъзоларини қабул қилди. Ўзбекистон билан Монголия ўртасидаги иқтисодий ва бошқа алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида қизиқарли суҳбат бўлди.

Шу куни республика Ташқи ишлар вазирлигида Монголия делегацияси билан учрашув бўлди. Элчихона даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида гап борди.

Суҳбатларда Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Буянгийн Бўд қатнашди.

Меҳмонлар республика Давлат ташқи савдо алоқалари комитетига ҳам боришди.

(ЎзТАГ).

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ИШ ЖОЙИ — ОДАМЛАР ОРАСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис этилгандан бери орадан бироз вақт ўтди. Хўш, мана шу давр бошланғич ташкилотлар ҳаётида қандай кечди? Партия нейгашлари билан бошланғич ташкилотлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро ёрдам, ишнинг борили қай аҳволда? ХДП Тошкент шаҳар Киров район ташкилотларида бўлганимизда кўпроқ мана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Дарвоқе, бозор иқтисодиёти шароитининг дастлабки қадамлари оғир кўчяпти. Нархнаво қимматлашди. Кишилар турмушида оғир иқтисодий палла, жамиятда эса мураккаб ижтимоий вазият пайдо бўлди. Мана шундай шароитда партия кенгаши ва бошланғич ташкилотлар ўзлари олдин белгилаб қўйган тадбирларга жиддий ўзгартишлар киритишлари ва ишни шароитдан келиб чиқиб, шунга яраша ташкил этишлари лозим. Район партия кенгаши биринчи котиби Маъруф Усмонов: биз асосий эътиборни халқ ўртасида осойишталикни таъминлаш учун ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтиришга қаратяпмиз. Шу билан бирга меҳнат кишиларини, аҳолининг қийналган, камбағал, кам таъминланган табақаларини ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилиш, қўлимиздан келганча уларга ёрдам бериш ҳаракатини ҳам қиляпмиз, деди. У сўзининг исботи тариқасида завод ва ташкилотларда шу соҳада бажарилаётган ишларни мисол қилиб келтирди.

Суҳбатимиз узоқ давом этди. Сўнг котиб талабалар масаласида олий билимгоҳлардан бирига боришни режалаштириб қўйгани сабабли узр айтди. Суҳбатни мафкуравий ишлар билан шуғулланувчи ходим Нуршод Ғиёсов давом эттирдик. У билан партиявий ишлар ҳақида суҳбатлашарканман, биринчи котибнинг «биз партия ишига ёш, чаққон, унга бутун вужуди билан берилган маълумотли кишиларни танлаганмиз», деган гапларини эсладим. Н. Ғиёсов ҳам ана шундай янгича фикрлайдиган ва янгича ишлайдиган ходимлар сирасидан эди. Рисолага кўра саволни мен бериб, жавобни у қайтариши зарур бўлса-да, суҳбат пайтида баъзан бунинг акси ҳам бўлиб турди. Чунки янги партиянинг нияти аскича тарғибот, ташвиқот ва иш юритиш билан амалга ошмаслиги ҳақидаги фикр бизни ҳар гал мана шунга ундарди.

Партия ташкилотлари шуғулланадиган соҳаларнинг чегараси йўқ. Шу сабабли «Тил масаласи»дан тортиб ишчиларнинг кундалик турмушигача бўлган барча соҳаларни партия кенгаши ва бошланғич ташкилотлар бу борада қилаётган ишларни бирма-бир тилга олди. Аммо кейинчалик мен унинг гаплари кўпроқ умумий тусда эканлигини, бирор жўяли далил келтирмаётганлигини тушуниб қолдим. Бунинг устига унда, гарчи орадан уч ойга яқин вақт ўтган бўлсада аниқ иш режаси йўқ эди. Ҳар қандай иш режалаштириб олиб борилмаганлиги сабабли пала-партишликка, юзакичиликка ва пировард натижада расмиятчиликка сабаб бўлишини эса ҳаётнинг ўзи исботлаган. Хуллас «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотига борарканман, район партия кенгашидаги суҳбатлардан кўнглим унчалик тўлмади.

Бирлашмада ўн бешта цех партия ташкилоти иш олиб боряпти. Уларда 250 партия аъзоси уюшган. «Шу кунгача партия ташкилотларининг учдан икки қисмида таъсис йиғилишларидан бошқа йиғилишлар ўтмаган. Кўрсатма йўқлиги сабабли партиявий ишлар маромига тушиб кетиши қийин бўляпти. Аъзолик билетларининг тар қатилмагани эса бадал йиғишда муаммоларни вужудга келтирмоқда. Партияга кириш учун ариза берганларнинг барчасини қабул қилиш керак. Чунки улар оғир дамларда партияни қўллаб-қувватлашди. Ахир уни ташлаб кетганлар озмунчами?! Партия хўжалик ишларига аралашмас экан, унда партия ташкилоти нима қилади? Чунки ҳар бир йиғилиш, ташкилий ва тадбирий масалалар партия ташкилоти ташаббуси билан ўтади. Жамоат ишими, партия аъзоси бажарсин, қўшимча навбатчиликми, партия аъзоси бўлсин, илғорликми, аввало партия аъзоси ўрнак кўрсатсин, деган ақидани наҳотки бугун унутиб қўйсак. Партия мулки ва жойи мусодара қилинсин деган таклифлар, тўғрироғи чақириқлар бўлди. Бунга сира қўшилмайман. Ўйланиб туриб, ачинаман, холос...». Гоҳ қуйиниб, гоҳ суйиниб айтилган ушбу фикр-мулоҳазаларни корхонанинг бош инженери, партия ташкилоти котиби Абдураҳим Рўзматов билан бўлган суҳбатдан сўнг қоғозга туширгандим.

Зотан, бирлашмада ҳар ҳафта жума куни фаоллар йиғилиши ўтади. Барча турдаги ҳар хил поғонадаги ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинади. Душанба куни эса барча цехларда ўн беш дақиқалик сиёсий ахборот ўтказилиб, ўтган жума кунги фаоллар йиғилишида кўрилган масалалар ва навбатдаги йиғилишга қўйилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида келишиб олинади. Албатта, эндиги бўладиган йиғилишлар нарх-наво, ишчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш каби масалалар ҳақида бўлиши табиий. Биз Эркин нарх-навога ўтилиши муносабати билан иқтисодий аҳволингиз мураккаблашмадими, агар оғирлашиб қолган бўлса, жамоангиз сизга қандай мурувват кўрсатаётир, деган саволлар билан уларнинг баъзиларига мурожаат қилдик. Таажжубки, бу борада завод ишчилари хотиржам эдилар. Рости, бу хусусда бемалол, ҳеч нарса бўлмагандек гапиришлари мени, ҳатто таажжубга ҳам солди. Иқтисодий аҳвол мураккаблашди, деган гапни қўллаганим учун завод ҳаёти билан батафсилроқ танишгач, ҳижолат бўлдим. Сабаби, уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар қайси гапи «ҳамма нарса фалон сўм бўлиб кетибди, энди нима қиламан»га ўхшаш ваҳимали гаплардан ва шикоятлардан эмас, балки «худога шукр, маошимиз етиб турибди, кунимиз-турмушимиз ёмон эмас, худо ҳоҳласа тез орада ҳамма иш изига тушиб кетади, республикадаги вазиятни тушунамиз, қийинчиликларга чидаймиз янада унумлироқ, янада самаралироқ ишлаймиз» каби шукроналик ва сабр-тоқатга ундовчи гаплар билан бошланиб, худди шу йўсинда тугарди. Бундай шукроналарни мен Қудрат Имомов, Баҳром Алимов, Зокиржон Ёдгоров, Валентин Гулей, Фахриддин Камолиддинов ва Ҳасан Абдурашидов каби ишчиларнинг айнан ўзларидан эшитдим. Завод маъмурияти партия ташкилоти тавсияси билан ҳар бир кишига тушлик учун 8 сўмдан ёрдам қилаётгани сабабли тушлик ташвишидан, бозор нархидан икки-уч ҳисса арзон сабзавот савдоси ташкил этилаётгани учун рўзғордаги озиқ-овқат қайғусидан бир мунча енгиллашган ишчиларнинг кайфияти жуда ҳам аъло бўлмаса-да, ҳар қалай тушкунликдан бутунлай ҳоли эди. Буни мен уларнинг дадил-дадил сўзларидан, келажакка умид билан боқаётган кўзларидан пайқадим.

Ишчиларнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида завод ҳисобидан уларнинг маошига қўшимча 300 сўмдан товон пули тўланмоқда. Яқинда ўртача маош 1900 сўмга кўтарилишини айнан директор билан бирга котиб ҳам айтди. Нафақат иқтисодий масалалар, балки маънавий муаммолар ҳам аста-секин ўз ечимини топаётгани жамоа аҳли кўнглига чоғлик бахш этмоқда.

Шу йил 7 январь куни насронийлар одати бўйича Рождество байрами бўлиб ўтди. Шу куни заводда дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу кун учун ишчилар 4 январь куни ишлаб бердилар. Апрель ойида бўладиган Ҳайит куни ҳам ишчиларга дам берилади. Ўша куннинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, қурилишига завод бош қўшган Отчопар маҳалласидаги мачитнинг очилиши маросими ҳам шу кунга белгиланган. Партия ташкилоти котибининг сўзларига қараганда бу мўътабар қурилиш учун корхона ҳозиргача 1 миллион сўм маблағ сарфлабди. Эл дарди, ўзлари бошқараётган жамоа тилаги ва ён-атрофда истиқомат қилаётган маҳалладошлари истагини тўғри идрок этган корхона етакчилари мачит қурилиши учун доимий вакиллар ҳам ажратганлигини айтмайсизми? Албатта бундай хайрли, эзгу ишнинг оқибати савобли бўлиши тайин.

Завод ҳаёти, партия ташкилоти фаолияти ҳақида бундай мисолларни ён дафтаримизга жуда кўп битдик. Аммо, бу ерда ҳар бир киши қаерда ва қандай соҳада меҳнат қилаётганидан қатъий назар ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилинаётгани хурсанд қилади, албатта. Бу ҳам бўлса, партия ташкилотининг жамоа ўртасида ўз ўрнига эга бўлганидан, жамоа ҳам ўз навбатида унинг ишига ёрдам бераётганидан далолат эди. Демак, қаерда партия ташкилоти халқнинг орасида бўлиб, уларнинг ҳаёти билан яшаса, кишиларнинг юмушига елка тутса, оғирини енгил қилиш пайида бўлса, шу ерда партиявий иш албатта ўз самарасини беради.

Мақолани якунлар эканман, айни пайтда район партия кенгаши ишини ҳам янада фаоллаштириш лозим, деган фикрга келдим. Бунга сабаб ҳар иккала корхона партия аъзолари, шу жумладан оддий ишчилар ва хизматчилардан ҳам ана шундай таклиф ва мулоҳазаларни эшитдик. Кишилар район партия ташкилоти ходимлари кўпроқ меҳнат жамоаларида бўлишса, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришса, чакки бўлмасди деб таъкидлашди. Ҳа, шундай, бугун ҳар бир партия ходимининг иш ўрни кабинетларда эмас, одамлар орасида бўлиши керак. Кишилар ўзларига сиёсий раҳбарлик қилаётган партия ходимларини яқиндан танишлари, улар қандай амалий ишларни олиб бораётганликларини кўриб-билиб туришлари зарур. Бу шу куннинг талаби.

Ш. РЎЗИЕВ
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг протоколларига асосланиб ва «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49 ва 54-моддаларига мувофиқ бўшаб қолган ўринларга 1992 йил 19 январь куни сайланган қуйидаги Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларини рўйхатга олди:

РАҲМОНОВ Холмурод, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, Қарши шаҳрида яшайди, Қашқадарё вилоятидаги 240-Қишлик сайлов округидан сайланган;

СУЮНОВ Жўлдасбой, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, Нукус шаҳрида яшайди, Қорақалпоғистон Республикасидаги 475-Қизкеткен сайлов округидан сайланган.

ЯНГИ ҲАФТАНОМА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ижроия бюросининг бир ярим ой муқаддам бўлиб ўтган мажлисида **«Истиқбол сари»** деб номланган ҳафтанома таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилинганди. Яқинда Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши хабарномасининг нишона сони ўқувчилар қўлига тегди.

Хафтанома «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» деган сўзлар билан бошланган. «Газета — халқники, чунки партия ҳам халқ партиясидир», дейилади. «Истиқбол сари»нинг ўз ўқувчиларига ёзган хатида. Унинг биринчи саҳифасида жумҳурият Президенти И. Каримов ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расуловларнинг табрик хатлари эълон қилинган. «Истиқбол сари»нинг дастлабки сони партия аъзолари ва ўзининг бошқа ўқувчиларини ХДП вилоят кенгаши котиблари, ижроия бюроси аъзолари билан батафсил таништиради. Шунингдек, ундан, партиянинг қуйи бўғинларида олиб бораётган ишлар ҳамда бозор иқтисодиёти муносабатининг эркин нархларга ўтиш жараёнидаги муаммоларига доир қатор мақолалар ҳам ўрин олган.

«Истиқбол сари»да вилоят ижодкорларининг ижодидан намуналар, жажжи болалар учун ажратилган алоҳида бурчакда эса эртак, топишмоқ, сурат-топишмоқлар ҳам берилганки, бу каттаю-кичиккка манзур бўлиши шубҳасиз. Ҳафтанома 8 саҳифадан иборат бўлиб «Ўзбекистон овози»нинг ярим ҳажмида чиқаётир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эшитмадим деманглар!

ХАЛҚАРО РЎЗНОМАЛАР

● ОЛМАОТА

Қозоғистон пайтахти дўконларида бирданига иккита халқаро рўзнома пайдо бўлди.

Саккиз саҳифадан иборат «Замон—Қозоғистон» рўзномаси Туркия ва Қозоғистон журналистларининг бирга ликдаги куч-ғайратлари билан нашр этилаётир. Унинг ички саҳифалари Истанбулда терилиб, Олмаотага юборилади. Қолган саҳифалари маҳаллий босмахонада тайёрланади.

«Осиё» рўзномасини республика Вазирлар Маҳкамаси билан рўйхатга олинган «Казинпресс» Қозоғистон уюшмаси таъсис этдилар. Унинг сарлавҳаси Ўлжас Сулаймоновнинг машҳур китобидан олинди. Рўзноманинг биринчи саҳифасидаги материаллар Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевнинг сўзлари билан бошланган.

ЭРОН ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

● КИЕВ

Эрон Ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилояти Украина пойтахтига ташриф буюрди.

У бошчилик қилаётган делегация таркибида парламент аъзолари, молиячилар, иқтисодчилар бор. Эронлик меҳмонлар Украина президенти Леонид Кравчук билан, мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан учрашадилар. Украина ташқи ишлар вазирлиги вакилларининг «Укринформ» мухбирига маълум қилишларича, иқтисодий ҳамкорлик, жумладан Эрон нефти ва газини Украинага етказиб бериш тўғрисидаги масала музокаларнинг энг муҳим мавзуларидан бири бўлади.

МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИ

● ЛОНДОН

Россия, Қозоғистон ва Украинага бориб келган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд ҳамдўстликда қатнашувчи шу давлатларнинг раҳбарлари билан бўлган музокаралардан мамнун бўлганлиги баён этилади.

Д. Хэрд Ай-Ти-Эн телекомпаниясининг ҳарбий соҳада Россия билан Украина ўртасидаги ихтилофлар даражаси ҳақидаги саволига жавобан, бу ихтилофлар армияга, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларига, шу жумладан Қора денгиз флотига тааллуқли эканини ва бу жуда жиддий тус олганини таъкидлади. У ўзининг шу сафари вақтида Борис Ельцин, Нурсултон Назарбоев ва Леонид Кравчук билан учрашган эди.

РАСМИЙ РАВИШДА ТАН ОЛДИ

● ОСЛО

Норвегия ҳукумати Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг мустақиллигини расмий равишда тан олди.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Турвалд Столтенберг шу давлатларнинг раҳбарларига юборган мактубида мана шундай эътироф баён этилган. Норвегия телеграф бюросининг хабар қилишича, шу тариқа Норвегия қироллиги собиқ Совет Иттифоқи таркибига кирган республикаларни тан олиш жараёнини ниҳояга етказди, бундан фақат Грузия мустаснодир.

МУҲОЖИРЛАРНИНГ МУХТОЖЛИГИ

● ТЕЛЬ-АВИВ

Кейинги икки йил ичида Исроилга келган 70 мингдан ортиқ муҳожир нон ва маргаринга зўрға пул топяпти.

Айни вақтда аҳвол яна ҳам ёмонлашиб бормоқда. Исроил меҳнат ва ижтимоий ишлар вазирининг ўринбосари Раввин Менахем Поруш шуни маълум қилди. У янги мухожирлар жамиятнинг жуда кам ҳимояланган гуруҳларидан бири эканини уқтирди. Вазир ўринбосарининг гапларига қараганда, бундай аҳволга энг аввало уйжойларнинг қимматлиги сабаб бўлмоқда.

(ТАСС ва Марказий рўзномалар материалларидан фойдаланиб тайёрланди).

• *Омилкорлик—замон талаби*

ТОШБУЛОҚ БАРҚУТИ

● Красноярск ипакчилари билан ҳамкорлик
● «Фазо» кичик корхонаси дадил қадам ташлади
● Маҳсулотлар ҳозирча пахтадай оқ рангда

Наманган район «Лола» савдо маркази билан Красноярск ипак комбинати ўртасидаги ҳамкорликка асос солинди. Комбинатда халқимиз севган матолардан бири — барқут ҳам тўқилади. Ана шундай барқут газламалар эндиликда районимизда ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Бу ишда қардошлар комбинати мутахассислари қатта амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Ўтган йилнинг май ойида район ёшларидан 8 нафари Красноярск шаҳрига йўл олди. Улар ноёб маҳсулот тўқиш сирларини ўрганиб қайтишди.

Шу тариқа дастлабки кадрларга эга бўлинди. Август ойида 14 та «ТВ—16» маркали тўқув дастгоҳи олинди. Дастгоҳлар район марказидаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасининг ёруғ ва кенг залларидан бирига ўрнатилди. 6 сентябрда эса дастгоҳлардан биринчи Тошбулоқ барқути чиқа бошлади. Ўша кун тошбулоқликлар учун унутилмас кун бўлиб қолди. Ўтган йили жами 1500 метр барқут тўқилди.

Бугунги кунда технология жараёни муайян даражада изга тушди, дейиш мумкин. Дастгоҳлар юксак унум билан ишлатила бошлади. Уларни Катта Тошбулоқ, Хўжақишлоқ йигит-қизларидан Абдусаттор Иномов, Саидахон Абдуллаева, Шокиржон Ҳайдаров, Ҳакимахон Абдураҳмонова, Илҳомжон Мисиралиев, Зайнабхон Абдураҳимова, Одилжон Дарвишев, Мухторхон Аҳмадхўжаевлар моҳирлик билан бошқариб, ҳар бири кунига 19—20 метрдан барқут тўқишга эришяпти.

Биз корхонани катта умидлар билан «Фазо» кичик қўшма давлат корхонаси деб атадик, — дейди кичик корхона ташаббускори, ишбилармон йигит Абдуллажон Иминжонов. — Бу йил шаҳд билан ишга киришилди. Режаларимиз янада катта. Тўқув дастгоҳларимиз сонини 40 тага етказамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Тўқув дастгоҳлари тўла ишга тушгандан кейин кунига 600—700 метрга етказиб маҳсулот чиқариш имкони яратилади. Шунга эришилса, халқ хуш кўрган бундай матога талаб-эҳтиёжни бироз бўлса-да, қондириш мумкин бўлади. Вилоятда барқут тайёрлашга ихтисослашган ягона бу кичик корхона қуввати янада оширилади. Бу ишда район раҳбарлари, қурилиш ташкилотлари яхши мадад кўрсатишяпти. Айниқса, район таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонаси ёрдами яхши натижалар бермоқда. Корхона «Фазо» кичик корхонасини хом ашё билан таъминлаш ва бошқа шароитлар яратишда жонкуярлик қилишмоқда.

Тўқилаётган барқутлар ҳозирча пахтадай оқ рангда. Уни турли рангларга бўяш муаммоси ҳал этиляпти. Дастлабки даврларда ана шу материаллар Красноярск ипак комбинатида турли рангларга бўяб келинади.

Кейинчалик бўяш дастгоҳлари ҳам олинади ва Тошбулоқ корхонасида ўрнатилади. Ҳозир бутун эътибор маҳаллий йигит-қизлардан барқутчилар тайёрлашга қаратилмоқда. Кичик корхона кенг кўламда фаолият кўрсатадиган фурсат яқин. Бунга биз ишларнинг ҳозирги аҳволи билан танишиб амин бўлдик.

А. ХОЛМИРЗАЕВ,
Наманган вилояти.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қарши давлат суғурта идораси ходимлари эркин нархлар шароитида ишларни фаоллаштирмоқдалар. Суғуртачилар ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Ҳозир қаршилик 12 минг оила суғурта қилинган. Ўтган йили қаршиликларга 276 минг сўм суғурта пуллари тўланган эди.

Суратларда: тажрибали суғуртачи Мақсуда Носирова (ўртада) Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қизлари орасида. Қарши давлат суғурта идорасининг ҳисоблаш маркази оператори Бодомгул Муртозоева (чапда) ва иқтисодчи Замира Саодатова.

Суратказ Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ).

• *Яхшидан ном қолади*

АЖОЙИБ ИНСОН

Инсон умри жуда қисқа. Бироқ у шу вақт ичида ҳам олам-олам янгиликлар барпо этади. Шогирдлар етиштиради. Эл-юртига дилдан хизмат қилади. Улар яратиб кетган боғлар мевасидан бошқалар баҳраманд бўладилар. Биз хотирлаб, эслаётган Абдуллажон ака Исмоилов ҳам ана шундай ажойиб инсонлардан бири эди. У бир ёшга етмай отасидан, 6—7 ёшларида азиз, меҳрибон онасидан ҳам ажралади. Унинг ҳаётида сарсон-саргардонлик йиллари бошланади...

Ёш Абдуллажон 1919 йилдан 1924 йилгача аввал интернатда, кейинчалик Шаҳрихон, Қува ва Фарғона шаҳарларидаги етим болалар уйларида тарбияланди.

Абдуллажон ўн тўрт ёшида яна қишлоғига қайтди. Қумқайроқлик Нишонамин бойникида 1928 йилгача қарол бўлиб хизмат қилди. 1929 йилда ҳукуматимиз илмга чанқоқ Абдуллажон Исмоиловни Самарқанд шаҳрига ўқишга юборди. У икки йил давомида ўқитувчи-методистлар тайёрлаш курсида таҳсил олди.

Абдуллажон Исмоилов йўллама билан 1930 йилнинг охирида Шаҳрихон район халқ таълими бўлимига ишга келди. Саккиз йил Киров номли етти йиллик мактабда аввал ўқитувчи ва кейинчалик мактаб мудири бўлиб ишлади. У бу йиллар ичида мактабга қўшимча синф хоналари қуриш, ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, болаларни мактабга тортиш ва бошқа масалаларда жонбозлик билан меҳнат қилади.

Ундаги раҳбарга хос фазилат ва ташкилотчиликни пайқаган Шаҳрихон район Кенгаши ижроия комитети советлар ишига таклиф этди. У бу ерда 1939—1940 йилларда кадрлар бўлимининг мудири лавозимида ишни давом эттирди. Абдуллажон Исмоилов уруш йиллари — 1941 — 1945 йилгача Абдибий қишлоқ жамоасига раислик қилди.

Улуғ Ватан урушидан кейин жамоа хўжаликлари ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан ўтириб олган эди. Райондаги фирқа қўмитаси урушдан кейин тикланиш йилларида принципиал, ишбилармон раҳбарни оғир ва оқсоқ хўжаликларни кўтариш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида ишга юборди. У ўн йил мобайнида райондаги «Олтин водий», «Коммунизм», «Шерқўрғон» жамоа хўжаликларида раис бўлиб ишлади. Мана шу йилларда, у бутун қобилиятини ишга солиб, жамоа хўжаликларини қолоқликдан чиқариш, пахтачилик, дончилик, чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантиришга бутун эътиборини қаратди. Абдуллажон Исмоилов 1955 йилдан 1959 йилгача Қипчоқ қишлоқ жамоаси раиси, Абдибий пахта тайёрлаш пунктига мудирлик вазифаларида фаоллик кўрсатди. Даҳшатли ўлим 1959 йилнинг илк баҳорида, айни навқирон — 42 ёшида уни орамиздан олиб кетди...

Абдуллажон Исмоилов қаерда ишламасин, ундан боғроглар, ариқ йўллар, яхшилик излари ва одамийлик хотира бўлиб қолди. Унинг табиатида юксак маънавият, одамийлик бор эди. Ҳар доим халқ ғами билан югуриб-елди. Камтарлик, халоллик, фидойилик, софдиллик, талабчанлик, жамият ишига масъуллик унинг ҳаёт тарзи, яшашининг маъноси эди.

Фарзандлари ҳам ота изидан бориб, илм-маърифатли бўлиб етишдилар. Ўғиллари — Анваржон, Ҳусанбой, Баҳодиржонлар олий маълумотли педагог, қизи Муборакхон болалар боғчасида тарбиячи, Ойбек эса олий маълумотли шифокордир.

Андижон вилояти Шаҳрихон халқ депутатлари район кенгаши Киров номли 11-ўрта мактаб жамоаси ва Абдибий маҳалла қўмитасининг талабларини қондириб, ўқув масканига ажойиб инсон Абдуллажон Исмоилов номини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳаётини ўз халқининг фаровонлиги йўлида бахшида этган Абдуллажон Исмоилов каби жонкуяр инсонларнинг хотираси абадий ўчмайди.

Ҳайдаралн МАМИТАЛИЕВ,
Андижон вилояти, Шаҳрихон районидаги Абдуллажон Исмоилов номли 11-ўрта мактабининг биринчи тоифали ўқитувчиси.

Деҳқончилик саноати: тадбиркорлар бор бўлсин

- 7,5 миллион сўм мукофот пули тарқатилади.
- Терим мавсумига америкача ёндашув.
- Бир тонна толага 1220 долларли маҳсулот
- Кичик корхоналарнинг катта имкониятлари.
- Аҳоли йил давомида ун билан таъминланади.

Хўжалик раҳбари хонасида ўтирганимизда бош ҳисобчи Ҳайитбой Қўшбоқов 7,5 миллион сўмга тузилган мукофот тўлов ҳужжатларини олиб кириб қолди. Тўғриси, у Жиззах вилояти хўжаликларида мисли кўрилмаган рақам эди. Ҳатто 1991 йил якунларидан маълумки, 9-10 та хўжалиги бўлган айрим районларда шунча миқдорда мукофот пули тарқатилмайди. Касбимиз тақозоси бу муваффақиятнинг асосий омилларини билиш учун хўжалик мутахассислари, деҳқонлари билан суҳбатлашдик.

ИШБИЛАРМОНЛАР

Пахтакор районидаги Кичанов номли давлат хўжалиги фаолиятидан

Муҳаммад СУВОНҚУЛОВ, хўжалик директори:

— Брокерлик жойидан ортиқча 1824 тонна ҳамда режадаги пахтанинг 5 фоизи — 445 тонна пахтамизни сотиш, алмашлашда унумли фойдаланишни кўзда тутгандик. Вақтида ҳаракат қилган эканмиз. Энди биржаларга йўллаб ҳам бўлмай қолди...

У бу сўзларни ўзгача қувонч билан айтди. Жамоа мутахассисларининг тадбиркорлик ва ҳозиржавоблиги ҳақида гапирди. Ростданам, хўжаликдаги кейинги ишлар фахрланса арзийдиган даражада давом этмоқда. Яқинда хўжалик номига Тошкентдан 20 тонна мол келганлиги ҳақида шошилинчнома келди. Маълум бўлишича, контейнерда фақат чет элда тайёрланган кийим-кечаклар, бошқа саноат маҳсулотлари бор экан. Хўжалик аҳли дарҳол беш кишидан иборат гуруҳ тузишиб, рўйхатдаги молларни оилалар эҳтиёжи, заруратига қараб тақсимлашга киришдилар. **Бу билан меҳнаткашлар оилалари чиройли, бежирим, иссиқ кийим кечакларни ҳозирги мавжуд нархнавога қараганда 8-10 баробар арзон нархда оладиган бўлишяпти.**

— Ўз ихтиёримиздаги пахтанинг бир қисмини Польшага маҳсулотларга алмашиш ҳақида шартнома тузганимиз эндиликда қўл келмоқда, — дейди касаба қўмитаси раиси Отабек Бўтаев. — Бу ҳали оладиган маҳсулотнинг дастлабки қисми, холос.

Хўжалик тадбиркорлари 100 тонна толани 122 минг долларга етказишди. Яъни ҳар бир тонна тола учун Польшадан 1220 долларли мол олинади.

Долларнинг ҳозирги бизнинг пулга 150 сўмдан зиёд юришини ҳисобласак, Кичановлик ишбилармонларнинг нечоғлик тадбиркорлик қилишганини янада яққол ҳис этиш мумкин.

— Кўп мулоҳазалардан кейин толанинг қолган қисмини асосан бартер усулида алмашиш керак, деган хулосага келдик. Аниқроғи биз энг зарур ва яқин келажакда асқотадиган техника, бошқа жиҳозларга эга бўлишимиз керак, дейишмоқда дала ишчилари. Акс ҳолда ҳозирги нарх-навода хўжаликлар чўкиб қолади. Илгари Олтой тракторлари 20 минг сўм атрофида эди, ҳозир 100 минг сўм бўлди. 17 минг сўмлик «Белорус»лар нархи 70 мингдан ошиб кетди. Шу боис қайси корхона, давлат билан алоқа қилсак ҳам фақат алмашиш шартини қўйяпмиз...

Хўжалик раҳбарияти 100 тонна толани собиқ иттифоқ ҳудудидаги Америка қўшма корхонасига берадиган бўлди. Эвазига чигитдан пахта ёғи ишлаб чиқарадиган цех ҳамда хўжалик учун қулай алоқа жиҳозлари олинади. Шартномада улардан ташқари талаб этиладиган моллар рўйхати кўрсатилмаган. Сабаби улар хўжалик заруратига қараб йил давомида белгиланади. Раҳбарият хўжалик меҳнаткашлари учун кичик автобуслар харид қилиш ташвишида.

Тадбиркорларнинг хўжаликдаги ички юмушлари ҳам ҳавас қилгулик. Ўтган йили ишга туширилган ғишт заводи бир кунда 26 минг дона пишган ғишт тайёрлаш қувватига эга. Бугунга келиб завод учун ҳаражат қилинган 221 минг 800 сўмлик маблағ 225 минг қилиб қопланди. Заҳирада яна 900 минг дона ғишт бор. Ҳатто вилоятдаги ўзини эплай олмаётган айрим йирик трестлар хўжалик маҳсулотига харидор. Аммо қурилиш анжомлари ҳозирча давлат хўжалигининг ўзига ҳам зарур. Марказда чойхона, мактаб барпо этиш лозим. М. Сувонқулов гумбаз шаклида уй қурадиган кичик корхона очиш ташвишида. Шахсий хўжаликларга ҳаммом, ошхона, гараж каби бинолар ёғоч-тахта ишлатмасдан фақат пишиқ ғиштдан қуриб бериладиган бўлади.

Олдинги йили Зоминдаги эски тегирмон тошларидан электр токи билан ишлайдиган қурилма барпо этилганди. Эндиликда анча такомиллашган тегирмонда 10 соатда 5 тонна ун чиқариш мумкин бўлмоқда. Хўжаликнинг кенг имкониятлари туфайли табиий офатдан зарар кўрган жигаристонликларга жумҳуриятда биринчилардан бўлиб 1,5 тонна тегирмон уни ва 80 литр зиғир ёғи жўнатилди. 1991 йилда Президент Фармонига асосан 850 оилага 150 килограммдан буғдой тарқатилганди. Айрим ночор оилаларга жон бошига 50 килограммдан дон берилди Раҳбарнинг айтишича, 330 тонна буғдой хўжалик аҳли учун бир йилга бемалол етар экан. Шу мақсадда буғдойзорлар ҳажми 200 гектарга етказилди.

Йил бошида тадбиркорлар яна бир ҳайрли ишни бошладилар. Янгийўл шаҳридаги корхоналар билан 900 тонна чигитни қайта ишлаб мой, совун, кунжара олинадиган бўлди. Ноёб маҳсулотларнинг барчаси халққа тарқатилади.

— Ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнда асосий вазифангизни нимада деб биласиз, — сўрадик давлат хўжалиги директори Муҳаммад Сувонқуловдан.

— Қийинчиликсиз, ташвишларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди, — дейди хўжалик раҳбари. — Ҳозирги муваффақиятни эса аҳолини собиқ иттифоқ ҳудудидаги иқтисодий тангликдан четлаб олиб ўтишда, деб ўйлайман. Муаммоларга келсак, анчагина. Аммо бугунги кунда камчилик ва муаммоларни кўтариб бировга арз қиладиган пайт эмас. Барчасини ўзимиз ҳал этишга уриняпмиз. Ишчи-хизматчиларимиз ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришишнинг ягона йўли меҳнатда, тадбиркорлик ва ишбилармонликда эканини чуқур англаб етганлар.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олим Пардаев, бош иқтисодчи:

— Уруғни ерга ташлашдан то ҳосилни тўла йиғиштириб олгунча шиоримиз ишлаб чиқаришга ижобий ёндашиш, иқтисод қилиш бўлди. Харажат қилинаётган ҳар бир сўмнинг тақдири билан қизиқдик.

Оддий бир мисол. Йиғим-терим арафасида деҳқону — механизаторлар билан маслаҳатлашиб, пахтани фақат бир марта теришга қарор қилдик. Бу билан камида ярим миллион сўм иқтисод қилиш мумкинлигини уларга асослаб бердик...

Ростданам, машина билан бир марта териш қаёқда-ю, экинзорга техникани тўрт — беш марта оралатиш қаёқда? Қанча меҳнату оворагарчиликлардан ташқари ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмларни тежаш, техника амортизацияси, таъмирлаш ишлари ва ҳоказолар. Ҳадеб тракторлар юраверган тупроқнинг тобора жипслашиб, унумдорлигини йўқотишини айтмайсизми? Механизаторлар уни чуқур англашади. Теримга пухта тараддуд кўрдилар ва биринчи теримдаёқ 8924 тонналик хирмон уюшиб, йиллик режани ошириб уддаладилар.

— Бир пайтлар Америкада пахта бир марта терилларкан, дейишса ишонмасдик. Ахир неча марталаб машинада терилган пахтани лой кечиб қўлда, кураклари эса яна бошқа машиналарда териб олардик-да, — дейди хўжалик директори Муҳаммад Сувонқулов. — Кейинги йиллар, йиғиб олинган сифатсиз, ифлос пахта ўзини оқлаши у ёқда турсин, ҳатто гапиришга ҳам арзимасди.

Хўжаликка жумҳурият Президенти И. Каримовнинг ташрифи режа уддаланган кунинг эртасига тўғри келди. Қўшни районлардан келган раҳбар ва мутахассислар иштирокида ҳосил тақдири, уни қайта ишлаш муаммолари хусусида гап борди.

Жумҳурият Президенти хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахтани сотиш, алмашлашнинг иқтисодий самараси ҳақида сўзлаб берди. Бунинг учун фақат тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятларини намойиш этиш кераклигини таъкидлади. Очиқ эътироф этиш керакки, бу суҳбат хўжаликнинг кейинги ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этди.

Раҳбарлар биржаларда брокерлик жойи сотиб олиш ташвишига тушдилар. Хўжалик мутахассислари эса вазиятни таҳлил этишиб, иккинчи теримга тушишга қарор қилишди. Жуда қисқа фурсатда салкам икки минг тонна пахта териб олинди. Шундан сўнг ҳам йиғим-терим учун кўзда тутилган маблағ ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда иш ҳақидан 157,5 минг сўм, шунингдек 39,5 минг сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари, 45,9 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тежаб қолинганлиги маълум бўлди. Пахта териш машиналарининг кўплаб ноёб қисмлари янаги йилга асраб қолинди. Хуллас, фақат терим мавсумида 312,8 минг сўмлик иқтисодий тежамкорликка эришилди. Йиллик режа эса 122 фоизга уддаланди.

Хўжалик «Ўзбекистон» биржасида 50 минг сўмга брокерлик жойи сотиб олишга муваффақ бўлди.

Ҳар куни 10—12 литрдан серқаймоқ сут соғиб олаётган Мавлуда Маматхонова, Малика Собирова ва Муҳайё Дадабоевалар Наманган районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигида меҳнат қилишади. Уларнинг бу йилги ниятлари ўтган йили эришган ютуқлардан ўзишдир. Шу мақсадда фидойилик билан ишламоқдалар.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ЁШЛАР МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча пойтахтда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси ёшлар муаммоларига бағишлаб матбуот конференцияси ўтказди. Анжуманга тўпланган республика, вилоят, шаҳар рўзномалар ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари ёшларнинг ҳаёти, ўқиши ва дам олишига доир тўпланиб қолган муаммолар ҳусусида фикр алмашдилар. Табиийки, 16 январда Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар ҳам журналистлар диққат марказида бўлди.

Иштирокчиларнинг савол-жавобларида ҳозирги қалтис вазиятдан хавотирлик ва айни пайтда уни юмшатиш учун имкониятлар ишга солиниши юзасидан фойдали фикр мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши котиби К. Жуманиёзов ҳамда Тошкент шаҳар-ёшлар қўмитаси котиби Ж. Ҳакимов жавоб қайтардилар.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган акционер-тижорат ва ширкат банкларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республика Олий Кенгаши қарори билан тузилган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБ-КИТОБИДАГИ МУСТАҚИЛ АКЦИОНЕР БАНК ЖАМОАСИ

«УЗБАНКАУДИТ» А Ж

ИШ БОШЛАДИ

«УЗБАНКАУДИТ А Ж шартнома асосида тижорат, ширкат банкларига ва бошқа кредит муассасаларига шартномада кўзда тутилган масалалар бўйича аудитор текширишларни ва маслаҳат бериш хизматларини амалга оширади.

«УЗБАНКАУДИТ» А/Ж СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

Манзилгоҳимиз: 700001, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 6-уй.

●

ТАШКИЛОТЛАР КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ФИРМАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ФИРМА

хизмат хоналари учун

Гон-Конгда ишлаб чиқарилган

электрон телефон аппаратларини

нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан

СОТАДИ

Маълумотлар олиш учун телефон 77-56-17.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/I да **Иоланта**, 26/I да **Малинан қайёр** (12.00), **Оққуш кўли** ,19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/I да **Мирзо Улуғбек**, 26/I да **Тақдир эшиги.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25/I да **Юсуф ва Зулайҳо**, 26/I да **Кулги ва шодлик кечаси**, 27/I да **Менинг оппоқ кабутарим.**

„ОЙНАИ ЖАҲОН"ДА КЎРИНГ

27 январь, душанба

● **УзТВ-I.** 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Биргаликда куйлаймиз». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Тил — дил таржимони». 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Экран таништиради». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Сиз кутган дақиқалар». 22.40 «Олтин бешик».

● **УзТВ-II.** 18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 19.15 Концерт. 19.45 «Билиб қўйган яхши». 20.00 «Лаҳза». 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Зиёкор». 21.05 «Яна купон ва нарх-наво ҳақида». 22.05 «Дўст». Бадиий фильм. 23.25 «Лаҳза».

● **Москва-I.** 6.00 «Тонг». 8.35 «Фавқулодда ҳодиса». 9.35 Халқ куйлари. 9.50 «Хайқириқ». Эртак. 9.55 Телефильм. 10.20 «Наполеон ва Жозефина». Бадиий фильм. 1-қисм. 11.45 Мультфильмлар. 12.00 Янгиликлар. 14.10 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 14.55 «Ён дафтар». 15.25 «Бу бўлган бўлганди...». 15.40 «Криминал талант». Бадиий фильм. 1-серия. 16.45 «Истеъдодлар ва мухлислар». 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Туманлар, қўллар ва анъаналар ҳамлакати». 18.55 Футбол шарҳи. 19.25 «Келажак ҳақида хотиралармиз?». 19.50 «Наполеон ва Жозефина». Бадиий фильм. 1-қисм. 20.45 «Кайрли тун, қичқинтойлар!» 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Муаллифлар ойнаи жаҳони». 22.15 «Лов этиб...». Бадиий фильм. 23.45 «Рақслар, рақслар...».

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 «Балиқ белгиси билан». 10.05 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 10.50 Видеофильм. 11.45 «Современник» театрининг оддий иш кунлари ва байрамлари. 13.30 «Большая Никитская»даги қиш орзулари». 16.00 Болалар соати. 17.00 «Севги иқрори». 17.15 Менеджерлар мактаби. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви 18.00 Хабарлар. 18.25 «Қирралар». 19.10 «Сиз яратган боғ». 19.40 Ҳужжатли фильм. 19.50 «Россия билан юзма-юз». 20.05 «Хонадонингиздаги гуллар». 20.20 «Ҳар куни байрам». 20.30 «Менга сўз беринг... 20.45 Телефильм. 20.55 Ҳужжатли фильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Восток» банки. 22.25 «Бешинчи ғилдирак». 00.10 Тоғ чанғиси спорти бўйича жаҳон кубоги.

28 январь, сешанба

● **УзТВ-I.** 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 Телефильм. 8.50 «Жар». Бадиий фильм 1-серия. 10.05 «Тележарида». 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 Мультфильмлар. 18.25 Муссаввир Раҳим Аҳмедов билан мулоқот. 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Чорраҳа». 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Чашма». Халқ ижодиёти. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Кино усталари». 22.40 «Яралган қуш ҳамон учмоқда». Видеофильм.

● **УзТВ-II.** 10.30 Физика. 11.30 Жўғрофия. **«ТОШКЕНТ» студияси.** 18.30 Болалар учун фильмлар. 19.15 «Бозор иқтисодиёти остонасида». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.30 «Ишбилармонлар учрашувлари». 21.50 «Пульс». 22.00 «Кинонигоҳ».

● **Москва-I.** 6.00 «Тонг». 8.35 «Истеъдодлар ва мухлислар». 9.50 Футбол шарҳи 10.20 «Наполеон ва Жозефина». Бадиий фильм. 2-қисм. 11.20 Мультфильмлар. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Ритмик гимнастика. 12.50 «МТнинг олтин жамғармасидан». 13.55 «Либуше» операсига увертюра. 14.05 Мультфильм. 14.20 Биржа янгиликлар. 14.35 «Бу сизга керакми?». 14.45 «Савдо растаси». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Узоқ умр кўриш учун». Даволаш муолажаси. 15.35 «Криминал талант». Бадиий фильм. 2-серия. 17.00 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.15 Болалар мусиқий клуби». 18.00 Янгиликлар. 18.20 Саҳна ортидан. 18.40 Мультфильмлар. 19.10 «Прок» бизнес ва сиёсат». 19.45 «Наполеон ва Жозефина». Бадиий фильм, 2-қисм. 20.45 Хайрли тун, қичқинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Уша ердалигимда». Бадиий фильм. 01.00 «Криминал талант». Бадиий фильм, 1-серия. 23.30 «Юлдузлар ёмғири».

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20, 9.05 Француз тили. 8.50 «Хонаки клуб». 9.35 Болалар соати. 10.35 «Овунчоқлар». 11.15 «Бешинчи ғилдирак». 13.00 «Очиғини айтганда». 13.30 Актёр ва коллекционер Л. Горелик. 16.00 Экстрасенсор тиббиёт муаммолари. 16.30 «Простор». 17.00 Тоғ чанғиси. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.35 «Ҳар куни байрам». 18.45 «Уч разведка полковники». 19.00 Жамоатчилик фикри. 19.50 «Тай-брейк». 20.25 Информацион программа. 20.55 Ишчи чопар. 21.10 «АВ журнали». 22.00 Хабарлар. 22.25 С. Губайдулина асарларидан концерт.

29 январь, чоршанба

● **УзТВ-I.** 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Ортиқ Отажонов куйлайди». 8.45 «Жар». Бадиий фильм, 2-серия. 9.50 «Ёшлик». 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Фикрлар тўқнашганда». 18.40 «Ватандан йироқда...». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Хазина». 19.50 Манзарали фильм. 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Муносабат». 20.40 Телефильм. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Хотира гулшани». Ботир Зокировни эслаб.

● **УзТВ-II.** 10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Фильм-концерт. 11.30 Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ асослари. 18.30 «Уолт Дисней таништиради..» 19.20 «Суҳбатга чорлаймиз». 20.20 «Мусиқий меҳмонхона». 20.50 «Ижод қувончлими ёки кичик фожиалар». 22.10 «02» тўлқинида.

● **Москва-I.** 6.00 «Тонг». 8.35 «Болалар мусиқий клуби». 9.20 А. С. Пушкин шеърлари. 9.50 Бадиий фильм. 11.15 Масҳарабозлар. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 12.35 «Оқим». Телефильм. 12.50 Лариса Трухина билан учрашув. 13.20 «Ўхшаш дунёлар». 14.05 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.20 В. Моцарт қўшиқлари ва ариялари. 15.50 «Воситачи». Бадиий фильм. 1-серия. 17.05 Мультфильм. 17.15 «Бир куни эски шаҳарда». Қўғирчоқ спектакль. 18.00 Янгиликлар. 18.20 Симфоник оркестри чалади. 18.40 «Бозор қонунларига биноан». 19.20 Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, қичқинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Фермада». 21.45 «Почтачи икки бор қўнғироқ чалади». Бадиий фильм. 23.40 «Ҳаққоний эслаб». 00.40 «Криминал талант». Бадиий фильм, 2-серия.

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20, 9.05 Немис тили. 8.50 «Паррандалар биз билан ёнма-ён». 9.35 «Ташвиш ва умидлар». 10.35 П. И. Чайковский номли танлов совриндорлари уюшмасининг концерти. 11.35 Санкт-Петербургда биринчи марта Э. Разянов китоби таништирилади. 12.10 «Душманлар». Телеспектакль. 16.00 Болалар соати. 17.00 «Ҳулқ-атвор». 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.40 «Узоқ Шарқ». 19.25 Россияда хусусийлаштириш. 19.40 «Олимпия ташвишлари». 20.20 «Коллекционер». 20.35 «Ҳар куни байрам». 20.45 Бутун олам — театр. 21.30 НАТОдан репортаж. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Восток» банки. 22.25 Гитарачи Пепе Ромеро концерти. 23.10 «Александр Новиковнинг қора ва оқи». 23.50 «Осойишталик».

30 январь, пайшанба

● **УзТВ-I.** 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Қиш манзаралари». 9.00 «Вонг хонимнинг сири». Бадиий фильм. 10.25 «Ёшлик». 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 Наманган ёшлари ижросида концерт. 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 «Жума оқшоми». Диний маърифий кўрсатув. 20.50 «Бухоро қоракўли». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 Кинокўрсатув. 23.05 **«ТОШКЕНТ» студияси.** «Чархпалак».

● **УзТВ-II.** 10.30 ЭҲМ ва информатика асослари. 11.00 Телефильм. 11.25 Ўзбекистон халқлари тарихи. **«ТОШКЕНТ» студияси.** 18.30 «Муз устида». Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.30 «Юнитех интернейшл» таништиради. 22.00 «Пульс». 22.10 «Кинонигоҳ».

● **Москва-I.** 6.00 «Тонг». 8.35 «Бир куни эски шаҳарда». 9.20 Мультфильмлар. 10.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.30 Бадиий фильм. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Инсон институти». 13.00 «Инсон ва қонун». 13.40 М. Плетнёв концерти. 14.10 «Телемикст». 14.55 «Ён дафтар». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда...». 15.50 «Воситачи». Бадиий фильм, 2-серия. 17.05 Болалар учун фильм. 17.30 «Экономическая газета» совини учун контакли каратэ бўйича 1-турнир. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Ҳаёт гўзал». 18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.25 Бадиий фильм. «Ажаб мусофиблар». «Наполеон ва Жозефина». 4-қисм. 20.45 Хайрли тун, қичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Оилали эркак». Бадиий фильм. 21.45 «риминформ» хабар қилади. 21.55 «Шеърият маскани». 22.45 «Эфирда мусиқа».

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20, 9.05 Испан тили. 8.50 «Хонаки клуб». 9.35 Болалар соати. 10.35 «Ташвиш ва умидлар». 11.35 «Мутлақо маҳфий». 12.30 Ташриф қоғози. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.30 Концерт. 16.00 Деҳқонларга тааллуқли масала. 16.20 «Ишбилармон аёл». 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.15 «Қирралар». 18.00 Хабарлар. 18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 «Россия билан юзма-юз». 18.55 «Диққат, суратга олямпан». 19.10 «Нота бене» студияси. 19.50 «Ҳар куни байрам». 20.00 Махсус тижорат хабарномаси. 20.10 Санта-Барбара». 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.25 «Муҳандислик касбига бағишлов». 22.00 Хабарлар. 22.35 «Бешинчи ғилдирак».

31 январь, жума

● **УзТВ-I.** 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.20 «Хайр, қабутарлар». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик». 10.50 Ёш созандалар республика танлови олдидан. 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.15 «Шаҳар бедарвоза эмас». 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.10 Концерт. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Маърифатнома». 22.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.

● **УзТВ-II. Ашхобод кўрсатади.**

● **Москва-I.** 6.00 «Тонг». 8.35 Болалар учун фильм. 9.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.40 «Вивальди-оркестр чалади». 10.10 «Қора адолат». Бадиий фильм. 11.00 Фильм-концерт. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Саёҳатчилар клуби». 13.20 Мультфильмлар. 13.45 «Ён дафтар». 13.50 «Бридж». 14.15 Биржа янгиликлари. 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Голиблар». 16.05 «Воситачи». Бадиий фильм, 3-серия. 17.20 Мультфильмлар. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Инсон ва қонун». 19.05 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 4-серия.

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 «Диққат, суратга олямпан». 10.05 Инглиз тили. «АҚШ оила альбоми». 10.35 «Бешинчи ғилдирак». 12.20 Ташриф қоғози. 13.05 «Исмим нимани эслатади?». 16.00 «Осойишталик». 17.00 «Простор» 17.30 Ҳужжатли фильм. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Деҳқонларга тааллуқли масала, 18.40 «Версия». 18.55 Россиянинг ҳужжатли экрани. 19.35 «Рус ча стиль». 20.10 «Хонаки клуб». 20.25 «Ҳар куни байрам».

1 февраль, шанба

● **УзТВ-I.** 8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Қизил елканлар». Бадиий фильм. 10.25 Бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси ҳақида. 10.55 «Санъат усталари». 12.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 13.15 «Тадбиркорлар билан бевосита мулоқот». 14.05 «Зўраки табиб». Спектакль. 18.00 Мультфильмлар. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 Телефильм. 20.10 Барот Исроил шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Санъатимиз юлдузлари». 22.30 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Бадиий фильм.

● **УзТВ-II. Бишкек кўрсатади.**

● **Москва-I.** 7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.35 Мультфильм. 8.45 Тонгги мусиқий кўрсатув. 9.15 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 9.50 Л. Власенко чалади. 10.20 «Қурия. Сиёсатдан ҳоли қолиш». 10.45 «Ҳамдўстлик». 12.00 «Сиз бунга қодирсиз». 12.45 «ЭХ». 13.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Рус қиши» автораллиси. 14.40 Телефильм. 15.10 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 16.50 «Ҳайвонот оламида». 17.35 «Ҳаёт давом этади». Бадиий фильм. 18.25 Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.50 «Бахтли тасодиф». 19.50 Мультфильмлар. 20.00 «Янги йил кечаси. Сайланмалар».

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20 «Сиз яратган боғ» 8.45 Қўли гул аёллар. 9.10 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 9.40 Ўзбекистон телевидениесининг **«Дўстлик»** видеоканали. 12.00 «Бурда моден» таклиф этади...». 12.30 Мультфильм. 15.50 «Қўриқчи». Бадиий фильм. 18.00 Хабарлар. 18.25 Познер ва Донахью. 19.20 «Ҳар куни байрам». 19.30 «Мутлақо маҳфий». 19.35 «Татамида юз минг». 19.45 Мусиқий кўрсатув. 20.30 «К-2» таништиради. 21.30 «К-2» студиясидан бевосита кўрсатув. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Жўнатилмаган мактуб». Бадиий фильм.

2 февраль, якшанба

● **УзТВ-I.** 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.30 «Савоянинг ўғирланиши». Бадиий фильм. 10.00 Спорт программаси. 10.40 «Мушоҳада». 11.40 Араб тили. 12.10 «Ёшлик». 12.50 «Келажагимиз мактабда». 13.30 «Инсон ва қонун» почтасидан. 14.00 **«Дўстлик»** студияси кўрсатади. 18.00 Мультфильм. 18.15 Болалар учун. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти» (рус тилида). 19.20 «Кино жаванидан». 20.05 «Боборақим Машраб». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Якшанба оқшомида». 22.30 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.

● **УзТВ-II. Душанбе кўрсатади.**

● **Москва-I.** 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото». 8.45 «Уз-ўзингга ёрдам бер». 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.10 Ҳажвий кўрсатув. 10.40 «Тонг юлдузи». 11.30 «Александр Каверзнев. Бошга бало бўлган мавзу». 12.20 «1991 йил денгер фольклори». 12.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 14.00 Мультфильм. 14.10 «Рок-сабоқ». 15.00 Янгиликлар. 15.15 Спорт рақслари бўйича Россия чемпионати. 15.55 «Бир чимдим туз». 16.00 «Саёҳатчилар клуби». 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Уолт Дисней таништиради...». 18.50 «Телелоция». 19.00 Янгиликлар. 19.20 «Супермен». Бадиий фильм.

● **Москва-II.** 8.00 Хабарлар. 8.20 «Экстро» студияси таништиради. 8.55 «Хоҳ ишонинг...». 9.25 Теннис. 10.10 «Здоровье». 10.40 «Супер-китоб байрами». 11.40 «Ати-бати...». 12.10 «Жентльмен-шоу». 12.50 Мультфильм. 13.00 «Телеассамблея». 14.00 Марказий актёрлар уйида кулги кечаси. 15.45 Ўзбекистон телевидениесининг **«Дўстлик»** видеоканали». 19.05 «Оқ қарға». 19.55 «Ҳар куни байрам». 20.05 «Санта-Барбара». 21.00 В. Соломоннинг ижодий портрети. 21.55 «Восток» банки. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Пеликан» акцияси таништирилади. 22.40 Спорт томошалари. 22.50 «Интерагро» таклиф этади...».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ

Ўзбекистон Республикаси қурилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меъморлик давлат қўмитаси, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ва Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-текшириш ва лойиҳалаш илмгоҳи жамоалари Бош лойиҳалар бўлими бошлиғи Т. Ҳ. Қосимовга акаси

Юнус Ҳожиевич ҚОСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қўлёзмалар илмгоҳи раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси илмгоҳ илмий ходими М. Рашидовага отаси

Ҳайрулла РАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсаф

ГУРУНГ

ЕТТИ ГЎЗАЛ

Фарғона шаҳрига кираверишда консерва заводи қаршисида сершоҳ, кўкка бўй чўзган сарв дарахтини кўрасиз. Сарв дарахтнинг бу ноёб тури зах, ботқоқ жойлардагина ўсади. Уни кўпинча ботқоқ сарви ҳам дейишади. У жуда тез ўсади. Ёғочи эса пишиқ бўлади. Ўрта Осиёда жуда кам учрайди. Республикамиз худудида 7 дона ботқоқ сарви бор, холос. Бу дарахтлар ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Шимолий Америкадан келтирилган. Фарғонадаги сарв дарахти 1878 йили ўтқазилган, дейишади. Унинг бўйи ҳозир 15-16 метрга етиб қолди. Ботқоқ сарви жуда узоқ — 500-600 йил яшайди. АҚШнинг жанубий-шарқий штатларида эса ҳатто 4-6 минг йиллик ёввойи сарв дарахтлари учрайди.

Республикамиз худудида ўсаётган сарв дарахтларининг 5 таси Самарқандда, қолган иккитаси Андижонда ва Фарғона шаҳрида. Уларнинг ҳаммаси давлат муҳофазасига олинган. Афсуски, Фарғона шаҳридаги ботқоқ сарви кейинги йилларда қаровсиз қолди. Шошилинч чоралар кўрилмаса, унинг қуриб қолиш хавфи бор.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЪНАВИЯТ

● **Эй фарзанд!** Билгилки, мунофиқ ва ҳасадгўй кишилар таъсири яхши одамларни йўлдан чиқаради. Доно ва олимлар суҳбати эса кишига боқий умр бахш этади. Беҳуда сўзлар айтилаётган мажлисга тушиб қолсанг, бундай мажлисдан қоч!

● **Дунёда** ҳасад ва гинадан оғирроқ ранж йўқ! Чунки ҳасадчи одам одамларнинг шодлигидан пайваста ғам остида юради. Ўзгалар роҳатидан доимо захмат тортади.

● **Ҳикоят.** Айтишларича, Лоҳур шаҳрида бир илмли киши бўлиб, у ўта хасис эди. У тийинлаб пул тўплар, ҳатто ўзи тузукроқ ейишга ҳам оғринар эди. У жон берса берарди-ю, аммо бировга нон бермас эди. У топган олтинларни ниҳоятда пинҳон тутар, доимо жонини ҳовучлаб яшарди. Унинг айёрликда қилни қирқ ёрадиган бир шогирди бўлиб, ўз хўжайинининг олтинларидан воқиф эди.

У қандай қилиб бўлмасин ўша олтинларни қўлга туширишга уринар, аммо очкўз хўжайинини алдашга ожизлик қилар эди.

Орадан йиллар ўтиб, хўжайин касалга чалинди. Ўлиши муқаррар эканини билгач, олтинни кўзи қиймагани учун, болачақа қилишдан ҳам кечган хўжайин нима қилишини билмай қолди. Сўнг бирдан бир қарорга келиб, олтинларни юта бошлади. Ҳаммасини ютиб бўлгач, жон берди.

Унинг ўлганини эшитган одамлар йиғилишиб, кўмиш чорасини кўрдилар. Ўзаро пул тўплашиб, барча маросимини адо қилдилар. Орадан бир неча вақт ўтгач, шогирди хўжайиннинг уй ва ҳовлиларини қидириб, олтинларни топа олмабди. Боши қотиб, ўйга толди. Ўзича: «Хўжайин ўз олтинларини ҳеч қаёққа олиб бормаган, унинг на қариндоши ва на хотини бор. Олтинлар-ку, уйда бўлиши керак, аммо ҳамма ёқни остин-устун қилдим. Аммо ҳеч ерда йўқ. Энди нима қилиш керак? Шунча айёрлигим билан наҳотки хўжайинимнинг хазинасини топа олмасам! деди. У қидирақидира топа олмагач, бошига бир фикр келиб қолди. Тўғри гўристонга борди. Хўжайиннинг қабрини очиб, жасаднинг қорнини ёрди ва олтинларнинг ҳаммасини йиғиб олди.

● Бир киши ўғлига деди:

— Нафсингни шундай машқ қилдирки, токи у амрингга қулоқ соладиган бўлсин!

Ўғил сўради:

— Мен қайси пайтда ақлли бўлишим мумкин?

Ота:

— Нафсингга ҳоким бўлганингда! — деди.

«ОДОБНОМА»ДАН.

● ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ҲУСАН АКАНИНГ СЕҲРЛИ ЁНҒОҒИ

Ўтқазилган ёнғоқ ниҳоли ўша йилиёқ ҳосилга киради, деса ишонасизми? Иккиланасиз-а. Эҳтимол ўзбек катта қомусининг 4-жилдини варақлаб, 237-саҳифасидаги «тўртинчи олтинчи йили ҳосилга киради» деган сўзларга ишора қиларсиз...

Энди бу ёғини эшитинг. Қомусдаги гапни Сурхондарёда кўпчилик эскирган, деб билади. Сабаби ўтқазилган ёнғоқ ниҳоллари ўша йилнинг ўзида ҳосил тугаяпти. Тўғри, миттигина ниҳолдан шиғил-шиғил ҳосил таъма қилмайсиз, албатта. Лекин биттаиккита тугиб, ҳосили йилдан-йилга кўпайиб борса яхши-да.

Ёнғоқнинг бу хили халқ ичидаги нав сайлаш натижасидир. Эндиликда бундай хайрли ишлар билан шуғулланувчилар воҳада кўпайиб қолди. Шулардан бири Ҳусан Жабборов. Унинг касби — иқтисодчи. Жарқўрғоннинг Какайди қишлоғида яшайди. Халқ таълими соҳасида ишлайди.

Ҳусан ака қирқ ёшига қадар уч туп дарахт ўстирганини эслайди, холос. Умуман зироатчилигу боғбонлик билан қизиқмаган. «Ёнғоқ ўн икки йилдан сўнг ҳосил берармиш, кўчатини қадаган одамдан омад қочармиш», деган ақидаларга ишонганиданми, ёнғоқ ўстиришни ҳаёлига келтирмаган.

Бир кун Денов бозоридаги чойхонада бир мўйсафид билан гурунглашиб қолди. Мўйсафид тушмагур дарахтдан гап очиб, кўпнинг ўртасида «Эшонзода бўла туриб, дарахт ўстирмабсиз-а», — деб уни рўйрост койиб берди. Жабборовнинг хўплаган чойи томоғида қолди. Қайси дарахтлигини сўраб ҳам ўтирмасдан, бозордан ўн беш туп кўчат кўтарди. Ўтқазди. Қараса, учтўрттаси ҳосил тугипти. Ёнғоқ! Шу бўлди-ю боғбонликка ихлоси ортди.

Ниҳолнинг меваларини ерга қадади. Ундириб олди, яна экди: ўнта, юзта, мингта... Айниқса шафтолидек эгилиб ҳосил тугадиган дарахтнинг меваларини алоҳида саралади. Ҳусан ака бозорда ёнғоқ сотмади. Ёнғоқнинг кўчатини пуллади: ўнталаб, юзталаб, мингталаб... Нафақат таниш-билишлари, хўжаликлар ҳам ундан кўчат харид қилдилар. Ўтқазилган йил ҳосил тугадиган ёнғоқ ниҳолларининг довруғи қўшни жумҳуриятларга бориб етди. Бу йил Ҳусан ака беш минг туп кўчат етиштирмоқчи.

О. УСАНОВ.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

● НАЗМ ДАФТАРИДАН

Назармат

ҚАДРИЯТИНГ СЎЗЛАР БУ ДУНЁ

БЕРУНИЙ ҲАЙКАЛИ ЁНИДАГИ УЙЛАР

Тош суппада ўйчан ўлтирган,
Асрлардан ошар ҳаёлинг.
Эл ўтмишин яқин келтириб,
Кўринади унда камолинг.
Қуёш порлаб, мусаффо осмон,
Пойингга гул гиламин ёзган,
Қолди сендан элда армуғон,
Олис тарих қўлларин ёзган.
Колумбдан ҳам олдин Америқо
Ёрларига тушди назаринг,
Сайёрамиз эслар доимо,
Унда қолган мангу изларинг.
Сени йўқлаб, момо, боболар
Гул кўтариб таъзимга келур.
Билимгоҳдан ёш, талабалар
Васиятинг, изимингга келур.
Олам кечар буюк қалбингдан.
Қитъалардан ошиб ўтарсан,
Ўтар қуёш йўли олдингдан,
Она ерга меҳрин тутарсан.
Қадим гужум Аму бўйида,
Соямда у дам олган дейди.
Қумтепалар оташ кўйида,
Менда ундан из қолган дейди.
Илм кўкида munажжим дилинг,
Эзгуликни излар доимо.
Сен ёғдусан, меҳрингда элинг,
Қадриятинг сўзлар бу дунё.

ДАДАШ БАЙРОҒИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, ЎЗБЕК ЙИГИТИ ДАДАШ БОБОЖОНОВ ХОТИРАСИГА

Қаҳрингни қайраб наҳр тош қирғоғига,
Шунқор бўлиб учдинг Сапун тоғига.
Кутарди азмингни шиддатли жанглар,
Йиғларди йўлингда савру чаманлар.
Қирғоққа интилиб қувғин тўлқинлар,
Тошларга бош уриб, сочар учқунлар.
Аланга оларди жануб гуллари,
Портларди оташдан сўқмоқ йўллари.
Булутга ўралиб қадимий замин,
Қутқаз деб кутарди мардлар қадамин.
Югурдинг эрк кутган чўққига томон,
Зафарга бонг урди қўлингда алвон.
Дадаш, сен чўққига кўтарилган он,
Чўнг наъра тортдингу, тўқдинг қутлуғ қон.
Ёв ўтли чўққида тортди жазосин,
Балиқлар комида кўрди қазосин.
Табаррук заминда тикланди байроқ,
У Сапун тоғидан кўринар ҳар чоқ.
Турасан Қримда элни қўриқлаб,
Пойқадам узилмас хотиранг йўқлаб.
Таралур тарона яшил тоғлардан,
Гуллари анқитар ҳушбўй боғлардан.
У сенинг мардлигинг, боқий таронанг,
Айирма гулимдан дер замин-онанг!

ГУЛИМСАН

Гулим, васфинг оҳи навом нурли тонг саҳарларда,
Муҳаббатинг меҳру мадҳим аҳду бонг сафарларда.

У бонг суҳби орзуларим, менинг олға етаклар,
Келур ундан висол они, топганим самарларда.

Йўлга чиқсам тилаб оқ йўл, туриб эшик олдида,
Сен ўзимни қалқон этгум, дейсан хавф-хатарларда.

Бу дунёда бир зиёрат, бир тижорат бор азал,
Омонлиги яшар асли сидқидил севарларда.

Севги— сўнмас дил оташи, фироқидан йўқ омон,
Жавоҳирдек пинҳон эрур ҳусни гул дилбарларда.

Бу дунёда оз эмасдир севгида хор мажнунлар,
Орзулари қолган каби олис кўк, қамарларда.

Қайда бўлай кабутардек учар сенга куйларим,
Дилим меҳрин иншо айлаб, битгум хат-хабарларда.

Соғинч дардим ошкор этай, сен муҳаббат гулисан,
Оразингни кўргум дилда, порлаган шарарларда.
Гулим, васфинг оҳи навом нурли тонг саҳарларда.

● АТТОРНИНГ ҚУТИСИ

АСОРИ АТИҚАЛАР

Бўш вақтни беҳуда ўтказмайдиган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари ўзига ҳос бўлади. Бундай одамлар кўнгилтусар юмушлар билан банд бўлишига ошуфта бўладилар. Уларнинг бири турли замонларда чиқарилган нишонларни йиғса, бошқаси тарихий воқеалар ўз ифодасини топган открткаларни тўплайди.

Бугунги кунгача уларнинг интилишлари, қизиқишлари ва юмушлари ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган идора ёки ташкилот йўқ эди. Зеро тўпловчиларнинг ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳатлик билан бир-бирларидан хабардор бўлиб туришлари, борасида савобли ишга қўл урилди. Республика коллекционерлар уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлди. Йиғилганлар ўзига ҳос соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ва қўлга киритаётган ютуқлар хусусида сўзладилар. Йиғилиш аҳли уюшманинг президенти ва вице-президентини сайладилар. Кўзда тутилган мақсад давлатлари ва хориж билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, Тошкент шаҳрида эса уюшма жамоаси фаолият кўрсатиши учун маскан танлашдан иборат эди. Ўзбекистон республикаси, шаҳар-қишлоқлар, жамоалар, умуман тарихимизга оид кўпгина нарсалар билан қизиқувчилар ҳозирча якшанба кунлари соат 10.00 дан 13.00 га қадар Тошкент Офицерлар уйида ўзаро мулоқотда бўлишлари мумкин.

В.МИРЗАЕВ

Ҳамза номидаги академик драма театрида Ҳайдар Муҳаммаднинг «Хотинлар» гап»идан чиққан ҳангома» ҳазил комедияси пойтахт томошабинларининг катта олқишини олди. Асосий ролларни СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти Рихсихон Иброҳимова ва бошқалар катта маҳорат билан ижро этишди.

К. РОМЕЕВ олган сурат.

● КИТОБЛАР ОЛАМИДА

БОЙ МАНБАЛАР

Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси хазинаси кейинги пайтларда ноёб ва бебаҳо китоблар билан бойиб бормоқда. Маданият муассасаси яқинда жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб номда ҳар хил нашрларни қабул қилиб олди.

Улардан бири Хитой Халқ Республикасининг Шинжон ўлкасидан улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг уйғур тилида чоп этилган «Ҳамса»сини олди. Бу ўлмас асардан 2800 нусхада тайёрланган. Шунингдек, ўзбек демократик шоири Зокиржон Фурқатнинг «Қашқар-уйғур» нашриётида босмадан чиқарилган «Танланган асарлар» китоби ҳам диққатга сазовор. 380 бетдан иборат бу китобда шоирнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, мустахзо, маснавийлари ва «Юнон мулкида бир афсона» достони ўрин олган.

Кутубхонанинг чет эл адабиётлари бўлими бошлиғи Каримбек Ҳасанов ана шу янгиликлар ҳақида мамнунлик билан хабар қилди. Мутасадди маълум қилган фактлар орасида айтилган икки луғат ҳам китобхонда қизиқиш уйғотади. У Японияндан олинган «Ўзбекча-японча», Англиядан келтирилган «Ўзбекча — инглизча» луғатлардир. Кейинги китоб муаллифи туркийшунос олима Наталья Ветерсондир.

Энг ноёб китоблардан яна бири Америка Қўшма Штатларидан келтирилган «Замонавий ўзбеклар» асари халқимизнинг бой тарихини билишда арзигули манбаа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унда ўзбек халқининг XIV асрдан бошлаб ҳозиргача бўлган катта тарихи қамраб олинган ва кўплаб алломалар, донишмандлар, адиблар, арбоблар ҳақида маълумотлар келтирилган. Асарни олим Эдуард Алверс ёзган.

А. ПЎЛАТОВ.

КИМ НИМАНИ КЎЗЛАЙДИ

ФЕЛЬЕТОН

Эй, қалам! Титраб-қақшама, қўрқма, дадил бўл, ёз! Ҳақ сўз мўътабар, дейдилар. Снёҳинг тамом бўлиб қолгудек бўлса, муштипар она Қумри Раҳматованинг аччиқ кўз ёшлари сенга асқотади. Ана, у ерга маъюс қараганича юм-юм йиғлаб ўтирибди. Оллоҳдан нажот тиламоқда! Янгийўллик раҳбарлардан умидини узган. Озмунча ялиниб-ёлбордими, озмунча хатлар ёздими? Йўқ, фақат бу ердан эмас, Тошкентдаги қатор идоралардан ҳам ёрдам бўлмади.

Осмон йироқ, ер қаттиқ! Оҳ, қани, қанотлари бўлсайди, уч ўғли ва бир қизини ортмоқлаб, олис-олисларга учиб борарди. Балки ўша ерлардан рўшнолик топиб қолар? Қотиб, қуп-қуруқ ўтинга айланган танасига шамол тегар? Йўқ, бу бир хом хаёл! Наҳотки, Янгийўлдек шаҳри азимда унинг фақир оиласига бир парча жой тегмаса?! Яшаганлар яшаб юрибди-ку! Данғиллама кошоналар қуриб олишган, яна қуришяпти. Бой-бойга боқар, деганлари балки шудир?

Қумри Раҳматова —асли янгийўллик. Ўзига тўқ қариндош-уруғлари бор. Лекин негадир фақат унинг шўр пешонасига уй-жой битмаган. Кўп йиллардан буён бола-чақалари билан инсофли, художўй кишиларнинг хонадонларида истиқомат қилиб келмоқда. (Раҳмат меҳру шафқатли инсонларга!).

Ў бир муддат Янгийўл шаҳар Навоий тор кўчасидаги 12-уйда яшади. 1977 йил 22 августда шу ҳовлига прописка қилинди. Бундан бир неча йил муқаддам мазкур уй бузилиб, эгасига давлат томонидан жой берилди. Қумри Раҳматова ва унинг фарзандлари ҳам шундай имтиёзга эга бўлиши керак эди. Афсуски, уни «эсдан чиқариб қўйишди». Ҳозир ҳам Қ. Раҳматова қачонлардир бузилиб кетган ўша уйда пропискада. Баъзи «ҳужжат»ларда қайд этилишича, уни сиртдан пропискадан чиқариб юборишган эмиш! Хўш, энди у ва унинг фарзандлари қаерга прописка қилдиришсин? Ҳавогами?! Қ. Раҳматова сайлаган халқ нойблари бу иш билан шуғулланиб кўрсалар бўлмайдими?!

Қ. Раҳматова кўпдан буён Янгийўл шаҳар умумий овқатланиш трестига қарашли ошхоналардан бирида ишлаб келмоқда. Трест директори Олимжон Суннатуллаев ва бу ердаги бошқа раҳбар кишилар Қ. Раҳматовани бошпаналик қилишга уринib кўришди. Лекин уддасидан чиқа олишмади. Муштипар онанинг елиб-югурганидан хабардор бўлган халқ нойблари Янгийўл шаҳар ижроия қўмитасининг раиси Эркин Эргашевич Йўлдошевнинг эса бу масала билан астойдил шуғулланишга вақти бўлмади.

«...Даврнинг келди, сур бегим!» — деган гап бор. Бу гап эл-юртни эмас, фақат ўзини, ўз манфаатини ўйлайдиган амалдорларга қарата айтилган, албатта. Ижроком раисини ҳам бутунлай ўшандай кишилар қаторига қўшиб қўйиш инсофдан бўлмаса керак. Лекин... Гап ана шу лекин-да!

Янгийўл шаҳрида яшовчи кишилар «Узсельхозтехника» кўчасини яхши билишади. Эркин Йўлдошев ана шу ерда давлат томонидан қурилган коттежда яшайди. Ёнига ўз кўнглидагидай қилиб шинам иморатлар ҳам қуриб олган. Хуллас, бу ерда яхши яшаш учун ҳамма шароит бор.

Унинг оиласи беш кишидан иборат (узатилган қизи ҳам шу ҳисобга киради. У ҳозирча пропискадан чиққани йўқ). Лекин негадир кўплар ҳавас қиладиган катта ҳовли, кенг ва ёруғ уйлар уларга ёқмай қолди. Орзуга айб йўқ. Ранс ҳам бошқа кишилар қатори шинам уй-жойли бўлиши керак. Ҳаммага қийин бўлса-да, унга оппа-осон. Хаш-паш дегунча тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, рафиқаси номига А. Ортиқов номли қишлоқ кенгашидан саккиз сотих ер олди-ю, қурилишни бошлаб юборди. Ана сизга ижроқўм раисининг кенг қулоч ёйиб эркин парвоз этиши-ю, «Ўзингни бил, ўзгани қўй!» шиори остида йўл тутиши. Қумри Раҳматовага ўхшаган бева-бечораларнинг гуноҳи нима?! Амалдор бўлмаганими?! 1991 йилнинг 21 ноябрига ча бўлган маълумотга қараганда, Янгийўл шаҳридаги 766 та оила ер участкаси олиш учун навбатда турибди. Давлатдан тайёр уй (секция) олиш мақсадида навбатда турган кишилар эса ундан ҳам кўп. Ана шу нуқтан назардан қараганда, ижроком раисининг рафиқаси номига ер олгани инсофданми?!

«Отингни соот, молингни сот — амалдор бўл!» деган гап бор халқда. Чиндан ҳам амалдорликда ҳосият кўп экан. Буни фақат Эркин Йўлдошев эмас, янгийўллик бошқа баъзи раҳбар кишилар ҳам яхши билишади. Бир мисол келтирайлик.

Янгийўл шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Т. Г. Лозовая 1990 йилнинг мартида савдога чиқариладиган автомашиналар тақсимоти бўйича комиссия раиси этиб тайинланди. Бу жуда масъулиятли вазифа. Жиндаккина адолатсизликка йўл қўйилса борми... Буни у яхши билади. Афсуски, у шайтоннинг сўзига кириб қўйди. 1990 йил 31 майда онаси номига «Жигули-2106» олиб, орадан ўн беш кун ўтгач Гнедеш деган бир кишига пуллаб юборди.

Т. Г. Лозовая бошқаларга ҳам «марҳамат қилишни» унутмади. Чунончи, у «Олмос» магазини сотувчиси Г. С. Умирбоевага «Москвич-412» автомашинаси ажратиб, уни хурсанд қилди. Мазкур магазинда бор-йўғи олти киши ишлайди. Бунинг устига Умирбоева автомашина олиш учун бирор ташкилотда навбатда ҳам турган эмас.

Борис Сергеевич Шушков билан Сергей Константинович Ли, айниқса, омадли кишилар экан. Шаҳар газлаштириш корхонасига қадам ҳам босмаган бу кимсаларга шу ташкилот номидан қалбаки ҳужжатлар тайёрланиб, «Москвич-412» ва «Иж-Комби-2125» автомашиналари берилди. Ҳужжатларга эса ижроком раиси қўл қўйди.

Бундай далиллар анчагина. Энг ачинарлиси шундаки, Янгийўл шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бўлими ҳам бундай «эҳсон»дан четда қолмади. Бор-йўғи 350 киши ишлайдиган бу жамоага 1989-1990 йилларда ўн иккита автомашина ажратилган. Эталари уларни роҳат қилиб миниб юрган бўлсалар ҳам майли эди-я! Ундай қилишмади. Олти киши ўзига теккан автомашинани дарров мўймайгина пуллаб юборган.

Шубҳасиз, Янгийўл шаҳар ижроия қўмитасида автомашиналар тақсимоти бўйича қилинган адолатсизликлар кишиларда норозилик уйғотди. Шу боисдан ҳам махсус комиссия ҳамда Янгийўл шаҳар прокуратураси текширув олиб бориб, ниҳоятда жиддий фактларни (юқорида бир нечтасини биз келтириб ўтдик) аниқлади. Лекин негадир ҳеч ким жавобгар қилинмади. Э. Йўлдошев, Т. Г. Лозоваяларга эса партиявий жазо берилди, холос.

Шу кунларда Эркин Йўлдошев ижроқўм раиси вазифасида ишлаётгани йўқ. Биз ижроқўм раисининг икки ўринбосари иштирокида у билан суҳбатлашдик.

— Янгийўл шаҳар Кенгаши раиси Ш. И. Каримов ишдан бўшашга мени мажбур қилди, ноилож ариза ёздим, — деди у. — Сабаблари мана бу қоғозда батафсил баён этилган.

Э. Йўлдошев «Шаҳар Кенгаши нойбларига» деб сарлавҳа қўйилган тўрт ярим саҳифадан иборат (машинкада ёзилган) ҳужжатга қўл қўйиб берди.

Икки катта раҳбар ўртасида қандай келишмовчиликлар бўлиб ўтганини аниқлайдиган юқори ташкилотлар бор. Бизни эса Қумри Раҳматовага ўхшаш мушкул аҳволда қолган кишиларнинг тақдири (бундайлар жумҳуриятимизда оз эмас) ўйлантиради, ташвишга солади.

Ана йиғлаб ўтирибди. Назаримда, бир томчи кўз ёши мана шу оппоқ қоғозга ҳам томгандек бўлди. Ҳай, майли, яхшиликка бўлсин. Унга ҳам яхши кунлар, рўшноликлар насиб қилсин.

Илова: шу ҳангомани ёзишда биз фойдаланган қатор ҳужжатларни беминнат кўчиртириб бергани учун Ш. И. Каримовдан миннатдормиз.

Усмон ЮСУПОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. К. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. К. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва таҳлил — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-31-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 19.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.